

---

Тумандаги 22 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож, дафтарларга киритилган оилаларнинг фарзандлари учун суннат тўйи ўтказилди. Мурувват ва саховат оёи, муборак Рамазон Ҳайити кунларида тумандаги “Тарона” тантаналар мажмуида туман ички ишлар бўлими ташаббуси билан, туман ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар кўмагида ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган, дафтарларга киритилган оилаларнинг фарзандлари учун суннат тўйи ўтказилди.

Тумандаги 4 та секторлардан 22 нафар болажонлар учун ўтказилган суннат тўйи тўкин дастурхон атрофида куй-қўшиқлар ва рақсларга уланди.

Ҳар бир болажонлар учун велосипед, бош оёқ кийим-кечак ва эсдалик совғалари улашилди.

Туман раҳбари бошчилигида сўз олган секторлар раҳбарлари, нуронийлар барча болажонларни ушбу қутлуғ кунлари билан табрикладилар ва уларга сиҳат-саломатлик, бахт-омад, улкан зафарлар тилаб, келгусида етук фидойи инсонлар етишиб чиқишига ишонч билдиришди.

2024-04-13 14:56:21